

## **VI. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ** *(фермер ва дәхқон хўжаликларисиз)*

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2018 йилнинг 1 июл ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони (*фермер ва дәхқон хўжаликларисиз*) 10606 тага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони 10351 тани ёки жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 97,6 % ни ташкил қилди.


Рўйхатдан ўтган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий улуши Навоий шаҳрида (30,0 %), Қизилтепа (11,2 %), Кармана (17,1%) ва Хатирчи (10,1 %) туманлари хиссаларига тўғри келади.

### **Рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг худудлар бўйича тақсимланиши (2018 йилнинг 1 июл ҳолатига)**

	Рўйхатга олинган		Фаолият кўрсатаётган	
	бирлик	жамига нисбатан % да	бирлик	жамига нисбатан % да
<b>Навоий вилояти</b>	<b>10606</b>	<b>100,0</b>	<b>10351</b>	<b>100,0</b>
<i>шаҳарлар:</i>				
Навоий	3178	30,0	3056	29,5
<b>Зарафшон</b>	<b>658</b>	<b>6,2</b>	<b>637</b>	<b>6,2</b>
<i>туманлар:</i>				
Конимех	320	3,0	310	3,0
<b>Қизилтепа</b>	<b>1185</b>	<b>11,2</b>	<b>1154</b>	<b>11,1</b>
Навбаҳор	925	8,7	909	8,8
<b>Кармана</b>	<b>1812</b>	<b>17,1</b>	<b>1792</b>	<b>17,3</b>
Нурота	872	8,2	859	8,3
<b>Томди</b>	<b>187</b>	<b>1,8</b>	<b>179</b>	<b>1,7</b>
Учқудук	397	3,7	393	3,8

	Рўйхатга олинган		Фаолият кўрсатаётган	
	бирлик	жамига нисбатан % да	бирлик	жамига нисбатан % да
Хатирчи	1072	10,1	1062	10,3

### Рўйхатдан ўтган субъектларнинг худудлар бўйича улуши, (фоизда)




Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 20,0 %), саноат (15,9 %), қурилиш (9,0 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўялиги (11,0 %) соҳаларига тўғри келди.

**Рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг  
иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши  
(2018 йилнинг 1 июл ҳолатига)**


	Рўйхатга олинган		Фаолият кўрсатаётган	
	бирлик	жамига нисбатан % да	бирлик	жамига нисбатан % да
<b>Жами</b>	<b>10606</b>	<b>100,0</b>	<b>10351</b>	<b>100,0</b>
<i>ишу жумладан:</i>				
кишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	<b>1163</b>	11,0	<b>1146</b>	11,1
саноат	<b>1685</b>	15,9	<b>1645</b>	15,9
курилиш	<b>954</b>	9,0	<b>933</b>	9,0
савдо	<b>2123</b>	20,0	<b>2059</b>	19,9
ташиб ва сақлаш	<b>411</b>	3,9	<b>408</b>	3,9
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	<b>798</b>	7,5	<b>780</b>	7,5
ахборот ва алоқа	<b>154</b>	1,5	<b>149</b>	1,4
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	<b>219</b>	2,1	<b>217</b>	2,1
бошқа турлари	<b>3099</b>	29,2	<b>3014</b>	29,1

## Фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, (фоизда)




Корхоналар ва ташкилотларнинг умумий сонида фаолият кўрсатаётган субъектларнинг улуши 97,6 % ни, шу билан бирга жами корхоналар ва ташкилотларнинг умумий сонига нисбатан фаолият кўрсатмаётганларнинг улуши 2,4 % ни ташкил этганligини кўрсатмоқда ва бу кўрсаткич йил бошига нисбатан 0,4 % га камайган.

### Корхоналар ва ташкилотларнинг умумий сонида фаолият кўрсатаётганлар ва фаолиятсизларнинг улуши, (фоизда)




2018 йил 1 июл ҳолатига 8383 та тижорат шаклидаги корхоналар ва ташкилотлар фаолият күрсатаётган бўлиб, шундан хусусий корхоналар – 3336 та, оиласий корхоналар – 615 та, масъулияти чекланган жамиятлар – 4190 та, акциядорлик жамиятлари – 19 тани ва 223 тани бошқа тижорат корхоналари ташкил этади.

**Фаолият күрсатаётган юридик шахслар-хўжалик юритувчи субъектларнинг ташкилий- хуқуқий шакллари бўйича тақсимланиши, бирликда**




2018 йилнинг январ-июн ҳолатига жами 1155 та янги корхоналар ва ташкилотлар рўйхатга олинган бўлиб, ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 47,5 % кўпроқ бўлиб, янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми Навоий шаҳри (251 та), Кармана (166 та), Нурота (128 та), Хатирчи (129 та) туманларига тўғри келади. Энг ками эса Томди (23 та), Конимех (45 та), Учқудук (60 та) туманларига тўғри келади.

**Худудлар бўйича янги ташкил этилган корхоналар  
ва ташкилотларнинг сони, бирликда**



Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг улуши савдода 14,7 %, саноатда 18,0 %, қурилишда 11,1 % ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 16,7 % ни ташкил этди.



2018 йил 1 июл ҳолатига вилоятимизда фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг сони 8307 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич 2017 йил шу даврига нисбатан 13,5 % га ошган.

Фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг асосий қисми, яъни 2574 таси (жами субъектларнинг 31,0 %) Навоий шаҳри, 1542 таси (18,6 %) Кармана, 928 таси (11,2 %) Қизилтепа, 747 таси (9,0 %) Хатирчи ҳамда 720 таси (8,7 %) Навбаҳор туманлари ҳиссаларига тўғри келади.

Энг кам фаолият кўрсатаётганлар эса 107 таси (1,3 %) Томди, 192 таси (2,3 %) Конимех, 289 таси (3,5 %) Учкудуқ туманлари ҳиссаларига тўғри келади.

#### **Фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг худудлар бўйича сони**

	2017 йил 1 июл ҳолатига		2018 йил 1 июл ҳолатига	
	бирлик	жамига нисбатан % да	бирлик	жамига нисбатан % да
<b>Навоий вилояти</b>	<b>7318</b>	<b>100,0</b>	<b>8307</b>	<b>100,0</b>
<i>шаҳарлар:</i>				
Навоий	2310	31,6	2574	30,9
Зарафшон	422	5,8	525	6,3

	2017 йил 1 июл ҳолатига		2018 йил 1 июл ҳолатига	
	бирлик	жамига нисбатан % да	бирлик	жамига нисбатан % да

*туманлар:*

Конимек	154	2,1	192	2,3
Қизилтепа	860	11,8	928	11,2
Навбахор	634	8,7	720	8,7
Кармана	1423	19,4	1542	18,6
Нурота	544	7,4	683	8,2
Томди	84	1,1	107	1,3
Үчкудуқ	227	3,1	289	3,5
Хатирчи	660	9,0	747	9,0

Фаолият күрсатаётган жами 8307 та кичик тадбиркорлик субъектларининг 2049 таси (24,7 %) – савдода, 1624 таси (19,5 %) - саноатда, 1104 таси (13,3 %) - қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигига, 931 таси (11,2 %) - қурилишда, 780 таси (9,4 %) - яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида, 395 таси (4,8 % ) - ташиб ва сақлашда, 158 таси (1,9 %) - соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишида, 138 таси (1,7 %) - ахборот ва алоқа соҳасида, , шунингдек 1128 таси (13,6%) - бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келди.

## **Фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, (фоизда)**




2018 йилнинг 1 июл ҳолатига Зарафшон шаҳрида жами рўйхатдан ўтган кичик тадбиркорлик субъектларининг умумий сонида фаолият кўрсатмаётганларнинг улуши 5,6 % ни (17 та), Навбаҳор туманида эса рўйхатдан ўтганларнинг жами сонида 6,1 % ни (12 та), Учкудуқ 2,0 % ни (4 та) ва Томди тумани 3,5 % ни (7 та) ташкил қилиб, уларнинг сони ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўртacha 2,3 тага ўсган.

Ҳисобот даврида 294 та кичик тадбиркорлик субъектларининг фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 71 таси (жами фаолияти тугатилганларнинг 24,2 %) ихтиёрий тугатиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

**Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар.** 2018 йил 1 июл ҳолатига фаолият кўрсатаётган хориж капитали иштирокидаги корхоналар сони 71 тани ташкил этди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 13 тага ёки 22,4 % га ўсган. Шунингдек, Хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналардан 50 таси қўшма корхоналар, 21 таси эса хорижий корхоналар ҳисобланади.

**Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштироқидаги корхоналар таркибида қўшма корхоналар ва хорижий корхоналарнинг сони, бирликда**

**50**



Хорижий капитал иштироқидаги корхоналарнинг асосий қисми Навоий шаҳар 25 та (35,2 %), Кармана 21 та (29,6 %) туманлари ҳиссаларига тўғри келади. Энг кам хорижий капитал иштироқида ташкил этилган корхоналар Учқудук 1 та (1,4 %), Томди 1 та (1,4 %), Хатирчи 2 та (2,8 %), Конимех 3 (4,2 %) туманлари ва Зарафшон шаҳрида 3 та (4,2 %) га тўғри келди.

**Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштироқидаги корхоналарнинг ҳудудлар бўйича сони ва улуши  
(2018 йилнинг 1 июл ҳолатига)**

	бирлик	Жамига нисбатан % да
<b>Навоий вилояти</b>	<b>71</b>	<b>100,0</b>
<i>шаҳарлар:</i>		
Навоий	25	35,2
Зарафшон	3	4,2
<i>туманлар:</i>		
Конимех	3	4,2
Қизилтепа	5	7,1

	<i>бирлик</i>	<i>Жамига нисбатан % да</i>
Навбаҳор	4	5,6
Кармана	21	29,6
Нурота	6	8,5
Томди	1	1,4
Учқудук	1	1,4
Хатирчи	2	2,8

Фаолият кўрсатаётган 71 та хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича олиб қарайдиган бўлсак, 47 таси (66,2 %) саноат, 5 таси (7,0 %) савдо, 9 таси (12,7 %) қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида, 3 таси (4,2 %) ташиш ва сақлаш, 1 таси (1,4 %) қурилишда, 1 таси (1,4 %) яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда, 5 таси (7,0 %) бошқа фаолият турлари хиссаларига тўғри келади.

**Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг  
иқтисодий фаолият турлари бўйича сони ва улуши  
(2018 йилнинг 1 июл ҳолатига)**

	<i>бирлик</i>	<i>Жамига нисбатан % да</i>
<b>Жами</b>	<b>71</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан:</i>		
Саноат	47	66,2
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	9	12,7
курилиш	1	1,4
савдо	5	7,0
ташиш ва сақлаш	3	4,2
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1	1,4
бошқа турлари	5	7,1

2018 йилнинг январ-июн ойида хорижий капитал иштирокидаги рўйхатдан ўтган янги корхоналарнинг сони 11 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 10 тага кўпайган.

Бунда, Россия Федерацияси резидентлари капитали иштирокида – 2 та, Хитой Xалқ Республикаси-2 та, Эрон Ислом Республикаси 2-та ва Корея Республикаси – 2 та янги корхоналар рўйхатдан ўтган.


11 та янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми Навоий (5 та) ва Зарафшон (1та) шаҳарларида, Конимех (1 та) ва Қизилтепа (1 та) Навбаҳор (1 та), Нурота (1 та) ҳамда Томди (1 та) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

#### **Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг худудлар кесимидағи сони ва улуши**

	<i>бирлик</i>	<i>Жамига нисбатан % да</i>
<b>Навоий вилояти</b>	<b>11</b>	<b>100,0</b>
<i>шаҳарлар:</i>		
Навоий	5	45,4
<i>туманлар:</i>		
Конимех	1	9,1
Қизилтепа	1	9,1
Навбаҳор	1	9,1
Кармана	-	-
Нурота	1	9,1
Томди	1	9,1
Учкудуқ	-	-
Хатирчи	-	-

Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрадиган бўлсак, асосан саноатда 6 та, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигига 4 та ва бошқа фаолият турларида 1 та ташкил этилган.

## **Янги ташкил этилган хорижий капитал иштироқидаги корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича сони, бирликда**



2018 йил 1 июл ҳолатига 2 та хорижий капитал иштироқидаги корхоналар фаолият кўрсатмаётган корхоналар ҳисобланиб, шундан Навоий шахри (1 та), Томди тумани (1 та) ҳиссасига тўғри келди.

**Оилавий корхоналар.** Юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган оилавий корхоналар сони - 2018 йил 1 июл ҳолатига 626 тани ташкил этиб, улардан 615 таси ёки 98,2 % фаолият юритмоқда. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан давлат рўйхатидан ўтганларнинг ҳамда фаолият кўрсатаётганларнинг умумий сонига нисбатан ўртача 38,9 % га ошганлигини таъкидлаш лозим.

### **Оилавий корхоналар сониниг ўсиш динамикаси, бирликда**

